

# ПайпоҚқа маҳс тортиш жоизми?

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبکي ]



Абу Анас Ҳабиуллоҳ

ବୁର୍ଜ

МуҲаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

# هل يجوز المسح على الجوارب الحقيقة في الموضوع؟

[ الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча ]



أبو أنس حبيب الله

۴۰۷

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

## Савол:

Баъзи дарслик сұхбатларда әшитишимча, уламолар ичи күрінмайдыган пайпоққа масҳ тортиш жоиз, дейишган эканлар. Бир жойда эса ҳар қандай пайпоққа, ҳатто ичи күрінадиган-ларига ҳам масҳ тортиш жоиз, деб ўқидим. Бу сўзларнинг қай бири тўғри?

### Жавоб:

Бисмиллаҳ, Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафога салавоту саломлар бўлсин!

Аҳли суннат ва жамоат уламолари ўртасида маҳсига масҳ тортиш жоиз эканида хилоф йўқ. Ҳатто маҳсига масҳ тортиш аҳли суннатни бошқа фирмалардан ажратиб турадиган сифатларидан бири саналади. Шунинг учун бу масала фиқхий бўлишига қарамасдан, баъзи эътиқод китобларида ҳам айтиб ўтилган. Пайпоққа масҳ тортиш тўғрисида бирон бир саҳиҳ ҳадис келмаган. Шунга қарамай, жумхур уламолар арабларда “жавраб” деб аталган оёққа кийиладиган нарсага масҳ тортиш жоиз, деганлар. Бироқ баъзилар “жавраб” сўзи айнан пайпоқ маъносини ифода қилмайди, деган

даъво билан пайпоқقا масҳ тортиш мумкин эмас, дейишган. Модомики масаланинг ҳукми “жавраб” сўзининг маъносига боғлиқ экан, келинг, унда бу сўзнинг маъносини ўрганиш учун араб тили қомусларига мурожаат қилайлик:

1. Халил Фароҳидий шундай дейди: “Жавраб – оёққа ўраладиган мато” (“Ал-айн” 6/113);
2. “Мавоҳибул Жалил” китобида шундай дейилади: “Жавраб – зигир толаси (каноп), пахта ёхуд шу каби нарсалардан маҳси шаклида тўқилган нарса”.

Шунга биноан, маҳси билан жавраб орасидаги фарқ қўйидагича бўлади: маҳси теридан тикилади, жавраб эса жун, каноп, пахта ва шу каби матолардан тўқилади. Демак, араб тилидаги “жавраб” сўзи бизнинг ўзбек тилимиздаги пайпоқ маъносида экан. Энди эса жаврабга, яъни пайпоқقا масҳ тортиш борасидаги далиллар ва уламоларнинг бу ҳақдаги фикрларига бир назар солайлик.

Бу борада имом Термизий роҳимаҳуллоҳ (99) ривоят қилган ҳадисда Мўғийра ибн Шуъба розияллоҳу анху шундай дейди:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавраб ва оёқ кийимга масҳ тортдилар”. Бу ҳадисни имом Термизий роҳимаҳуллоҳ ҳасан, деб ҳукм қилган бўлсалар-да, бироқ Суфён Саврий, имом Аҳмад, Яхё ибн Маин, Муслим, Насиоий, Уқайлий, Доракутний ва Байҳақий каби бошқа ҳадис уламолари бу ҳадис шоз бўлгани боис унга заиф деб ҳукм қилишган. Бироқ бу борада саҳобалардан саҳиҳ ривоятлар келган. Ибн Мунзир роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: “Пайпоққа масҳ тортиш борасида тўққизта саҳобийдан ривоят келган. Улар: Али ибн Абу Толиб, Аммор ибн Ёсир, Абу Масъуд, Анас ибн Молик, Ибн Умар, Баро ибн Озиб, Билол, Абу Умома, Саҳл ибн Саъд (Аллоҳ таоло уларнинг барчасидан рози бўлсин)” (“Алавасат” 1/462). Шунга биноан, пайпоққа масҳ тортиш жоиз эканига юқоридаги ҳадис эмас, балки шу саҳобалардан ривоят қилинган асарлар далил бўлади. Шунинг учун имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳ юқоридаги ҳадисни заиф деган бўлсалар-да, пайпоққа масҳ тортишни жоиз деганлар. Ибн Қудома роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: “Саҳобалар пайпоққа масҳ тортганлар. Ўша даврда уларга ҳеч ким эътиroz билдирамаган. Демак, бу ижмо саналади” (“Алмуғний” 1/215).

Пайпоққа масҳ тортиш жоиз, деган аксар уламолар пайпоқ қалин бўлишини шарт қилишган. Куйида уламоларнинг бу ҳақдаги сўзлари ни келтириб ўтамиш:

1. Косоний роҳимаҳуллоҳ шундай деган: “Агар пайпоқлар сувни шимиб олмайдиган даражада юпқа бўлса, унга масҳ тортиб бўлмайди ва бунда хилоф йўқ” (“Бадоиъус саноэъ” 1/10).
2. Ибн Қаттон Фосий роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: “Агар пайпоқ қалин бўлмаса, унга масҳ тортиш жоиз эмаслигига уламолар иттифоқ қилишган” (“Ал-иқноъ фий масоилил ижмоъ” 351-масала).
3. Илмий изланишлар ва фатволар доимий кўмитасининг 5/267 рақамли фатвосида шундай дейилган: “Пайпоқ ости кўринмайдиган дараҷада қалин бўлиши керак”.
4. Ибн Боз роҳимаҳуллоҳ шундай деган: “Пайпоққа масҳ тортиш учун пайпоқ қалин ва оёкни беркитиб турадиган бўлиши керак. Агар ичи кўринадиган бўлса, унга масҳ тортиш жоиз эмас” (“Фатово Шайх Ибн Боз” 10/110).

Баъзи уламолар ҳар қандай пайпоққа масҳ тортиш жоиз, деган фикрни айтишган. Бу ҳақда Нававий роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: “Асҳобларимиз, яъни шофеий мазҳаби уламолари Умар ва Алидан (розияллоҳу анҳумо) юпқа пайпоққа ҳам масҳ тортиш жоиз, деган фикрни ривоят қилишган. Бу фикрни имом Абу Юсуф, имом Мухаммад, Исҳоқ ва Довуд (Зоҳирӣ)лардан ҳам ривоят қилишган” (“Алмажмуъ” 1/500). Шайх Албоний ва шайх Ибн Усаймин роҳимаҳуллоҳлар ҳам шу фикрни қўллаб-куватлашган.

Хулоса шуки, ичи кўринмайдиган қалин пайпоқларга масҳ тортиш жоиз. Агар пайпоқ ичи кўриниб турадиган даражада юпқа бўлса, унга масҳ тортиб бўлмайди. Чунки пайпоққа масҳ тортиш жоиз эканига келтирилган далиллар саҳобалардан ривоят қилинган асарлар бўлиб, уларнинг даврида ичи кўриниб турадиган пайпоқлар бўлмаган, валлоҳу аълам.

Бу фатвони тайёрлашда IslamQA саҳифасидан фойдаланилди.

**Манба:** Ихлос орг веб саҳифаси

